

30-йилларнинг кўзга кўринган, эл оғзига тушган истеъдодли шоири Усмон Носир 1912 йил 13 ноябрда Кўкон шахрида хунарманд оиласида дунёга келди.

Болалиги болалар уйида ўтган Усмон ўрта мактабни битиргач, 1931 йилдан бошлаб Алишер Навоий номидаги Самарканд давлат университетининг Тил ва адабиёт факултетида Амин Умарий, хасан Поълатлар билан биргаликда тахсил олди.

Усмон Носирнинг илк шеърлари университетда ўкиб юрган вактларидаёк матбуотда кўрина бошлаган эди. Натижада шоирнинг «Куёш билан сухбат» (1932), «Сафарбар сатрлар» (1932), «Тракторобод» (1934), «Юрак» (1935), «Мехрим» (1936) каби шеърий тўпламлари, «Норбўта» ва «Нахшон» поемалари хамда «Атлас» шеърий драмалари бирин-кетин нашр килинди. Унинг «Норбўта» (1932) асарида Ўзбекистондаги фукаролар уруши мавзуи, «Нахшон»да кардош арман халки фарзандларининг озодлик учун интилишлари куйланган бўлса, антик дунёдаги куллар курашини акс эттирувчай «Нил ва Рим» каби поетик асарлари тарих ва халк мулки бўлиб колди.

Усмон Носир шеърияти, аввало, хаётийлиги, колаверса, жозибали ва исёнкорлиги, айни чогъда содда ва равонлиги билан тезда китобхон калбидан чукур жой эгаллади. Шундан боълса керак, шоир шеърлари хамон давраларда тез-тез ёддан айтилади:

Юрак, сенсан менинг созим,  
Тилимни найга жўр этдинг,  
Кўзимга ойни беркитдинг  
Юрак, сенсан ишкибозим.  
Сенга тор келди бу кўкрак.  
Севинчим тошди киргокдан  
Тилим чарчар, ажаб гохи  
Сени таржима килмоқдан.

Усмон Носирнинг таржима соҳасидаги хизмати хам бебаходир. Унинг таржимасида Пушкининг «Бокчасарой фонтани» поемаси, Лермонтванинг «Демон» («Иблис») асари ўзбек китобхонларининг калбига етиб бробган.

Самими, жўшкин, лирик истеъдод эгаси Усмон Носирнинг асарлари хамиша кишини хаяжонга солади. Усмон Носир катагонлик даврининг курбоиларидан бири сифатида ёш умрини шўро лагерларида азоб-удубатда оътказиб, туткунликда 1944 йили вафот этган. Шоир номи ёшлиқ, кураш, гўзаллик куйчиси бўлиб, ўзбек халки калбida абадий яшайди. Ха, шоир ўзи айтганидек:

Минг йиллардан кейин хам  
Унутма мени богъим.  
Шеърларим янграб колур...  
Бир умрга ўлмайман,—

деганда хак эди.